

Лазиза ШОМИЛОВА
ёзиб олди.

4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ КУНИ!

■ Ўзини ҳурмат қилган одам сайловда шахсан қатнашади ва оиласи,
яқинлари, Ватанимиз келажаги, равнақи учун овоз беради.

«САЙЛОВДА ШАХСАН ЎЗИМ ОВОЗ БЕРАМАН»



Ёқутхон МҲМИНОВА,
ўқитувчи (Андижон
вилояти):

— Сайлов демократиянинг энг муҳим белгиси, фуқаролар хоҳиш-иродаси ифодаланишининг мустаҳкам кафолатидир. Агар таққослаб кўрадиган бўлсак, одамларнинг бугунги дунёқараши билан бундан

10-15 йил олдинги тушунча ва тасаввур орасида ер билан осмонча фарқ бор. Ҳозир ҳамюртларимиз сайлов тизими ва тартибини, ўзининг сайлаш, сайланиш ҳуқуқини теран идрок этади.

Шуни айтиш керакки, ўз шахсий фикри, позициясига эга ҳар бир инсон сайловда, албатта, иштирок этади. Сайлов кунини ўзим истаган номзодга эркин овоз беришим жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, эканлигини билдиради. Бу, албатта, зиммамизга катта масъулият юклайди.

Аввало, сайлов қонунчилиги бўйича чуқур билимга эга бўлишимиз, номзодларнинг сайловда дастурлари билан атрофлича танишиб чиқишимиз, шундан кейингина муносиб деб билган номзодимизга овоз беришимиз лозим, деб ўйлайман.



Шоҳсанам НИШОНОВА,
ЎЗДЖТУ халқаро
журналистика
факультети талабаси:



Феруза АБДУРАҲМОНОВА,
уй бекаси (Тошкент шаҳри):



Шукрулло ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Миллий
университети қошидаги
С.Х.Сирожиiddинов номли
академик лицей ўқувчиси:

— Яқинда 18 ёшга тўлдим ва бу йил сайловда биринчи марта иштирок этаман. Албатта, ҳам масъулият, ҳам ҳаяжон ҳис қиламан. Чунки орзуларимдан бири амалга

— Бу йил сайловда иккинчи марта иштирок этаман. Лекин бу сафар ҳам кўнглимда ҳаяжон бор. Бунга яширмайман. Чунки зиммамизда юртимизнинг эртаси, келажаги учун қайғурадиган, эл-юрт ташвишини ўз ташвиши, деб билдирган муносиб номзодга овоз бериш масъулияти турибди. Курсдошларим, тенгдошларим билан Президент сайловининг аҳамияти ҳақида фикр алмашиб тураемиз. Президентликка номзодларнинг дастури, уларда илгари сурилаган ғоя ва тақлифлар ишларни кўпроқ қизиқтирмакда.

— Мамлакатимизда хотин-қизларга катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилади. Бунга опа-сингилларимизнинг турли соҳаларда эркаклар билан елкама-елка туриб фаолият юритаётгани, жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўз ўрни, фикри, мавқеи ва танловига эътибори мисолида кўриш мумкин. Президент Сайлови билан боғлиқ жараёнларда ҳам бу аққол акс этади.

Уй юмушларидан бўш вақтимда Президентликка номзодларнинг

Тенгдошларимнинг ўз тақдирини мамлакат тақдири билан узвий боғлиқ билиши мени ҳам руҳлантиради. Менимча, бу ёшларимизнинг амалга оширилаётган ислохотларга бефарқ эмаслигини аниқлатади.

Давлат ва жамият бошқарувида овозим билан иштирок этишим бу ҳаётда муносиб ўрним борлигидан далолат беради. Ватанимизнинг келгуси тараққиёти менинг овозимга ҳам боғлиқ эканини яхши англайман. Ўзини шу юрт фарзанди, деб билган тенгдошларим қаторида мен ҳам, албатта, Президент сайловида муносиб номзодга овоз бераман.

дастурлари билан танишишга ҳаракат қиламан. Сайлов участкасига бориб, у ерда яратилган шароитларни кўрдим ва билдимки, мен каби ёш болалар оналар учун ҳам қўлай имконият ҳозирланган. Шунча шароитларга энг муносиб жавоб сайловда фаол қатнашишимиз, деб ҳисоблайман.

Менинг танловим фарзандларимнинг манфаатлари, уларнинг келажаги учун хизмат қилиши керак. Президент сайловида шунинг учун овоз бераман.

бахт. Яқинда бир янгилик, яъни бу йил брайл шрифти сайлов бюллетенлари жорий қилингани ҳақида эшитдим. Шундан ҳам кўриниб турибдики, мамлакатимизда сайловлар демократик тамойиллар асосида ўтказилади, ҳамма хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун имконият яратилади.

Сайловда иштирок этиш нафақат ҳуқуқ, балки муқаддас бурчимиз, деб ҳисоблайман. Чунки биз ўз келажагимиз, Ватанимиз тараққиёти учун овоз берамиз.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
ёш олд.

■ ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Ҳисобот даврида Давлат бюджети даромадлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 21,7 фоизни, харажатлари эса 21,6 фоизни ташкил қилди.

Атрофлича таҳлил ҳамда савол-жавоблардан кейин ЎЗХДП фракцияси аъзолари Давлат бюджети ижроси юзасидан фикр-мулоҳазалари ва тақлифларини билдиришди.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Турсунпўлат Норбоев,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Фракциямиз Давлат бюджети ижросида ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари доимий эътиборда бўлаётганини қайд этади.

Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жағармасининг харажатлари 10 434,9 миллиард сўмини ташкил этиб, 3,1 миллион нафардан ортиқ фуқарога ҳар ойда пенсия, ижтимоий нафақа тўловлари ва ойлик талабномаларнинг ўз вақтида тўланиши таъминланган.

Бу борадаги ислохотлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий максадларига ҳамохан бўлиб, партиямиз электорати манфаатларини химоя қилиш, Сайловда дастуриймида белгиланган вазифалар рўйб-га чиқишида муҳим ўрин тутди.

Зулайхо Акрамова,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Айтиш керакки, Давлат бюджети ижросида соғлиқни сақлаш соҳасини ўз вақтида ва самарали молиялаштириш масаласига жиддий эътибор қаратилган.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш масалалари Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурида белгиланган устувор вазифаларга мос келади. Шунинг учун фракциямиз тиббиёт соҳасини ривожлантиришга қаратилган сай-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

Давлат бюджети ижросида таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини мақсадли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни ҳамда биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштириш, бюджет маблағларининг газна ижросини таъминлаш ҳамда уларнинг самардорлигини оширишга алоҳида эътибор берилгани эътироф этилди. Ушбу ҳолат Ўзбекистон ХДП электорати манфаатларига ҳамохан экани таъкидланди.

Депутатлар, шу билан бирга, иш ҳақи, унга тенглаштирилган тўловлар ҳамда нафақаларни молиялаштириш ва тўлашда узиллишлар кузатилаётгани, айрим ҳудудларда аҳоли томонидан пластик картчалардаги маблағларни ишлатишда муаммолар юзга келаётганини қайд этишди. Ушбу масалалар юзасидан тегишли вазирлик ва идоралар вакилларининг ахборотларни тингладди.

Давлат бюджети ижросида мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар масъулиятини ошириш, молиявий интизомга риоя этиш ҳамда бу борада назоратни янада кучайтириш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йигилиш якунида Ўзбекистон ХДП фракцияси Давлат бюджети-нинг 9 ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботни қўллаб-қувватлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

■ БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

КОНСТИТУЦИЯ — ДЕМОКРАТИЯ ТАЯНЧИ

Сиёсий партиялар турли табақа ва ғуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-моддасидан

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Ўзбекистон — суверен демократик республика эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Бу тарихий воқеага ҳам яқинда 24 йил тўлади.

Мамлакатимизнинг Асосий қонунда республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини, уларнинг тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш ҳамда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш олий мақсад этиб белгиланди. Шунингдек, давлат органларини шакллантириш ва бошқаришда фуқаролар ҳамда жамоат ташкилотларининг ҳуқуқлари, уларни рўйбга чиқаришда қонунларнинг устувор эканлиги мустаҳкамланди.

Бинобарин, Конституцияда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги (7-модда), Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга эканлиги, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланиши (117-модда) мустаҳкамлаб қўйилди.

Маъмур конституциявий нормаларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши сиёсий партиялар фаолияти ривожланишини тақозо этади, албатта.

Дарҳақиқат, мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этишда сиёсий партияларнинг роли жуда катта. Чунки сиёсий партиялар ҳуқуқий демократик жамиятда фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишда, аҳолининг хоҳиш-иродасини ифода этишда ҳал қилувчи вазифа ҳисобланади. Шунингдек, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда беvosита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишда ҳам сиёсий партияларнинг ўрни беқиёс.

Ўзбекистон ўзи танлаган стратегик йўл, яъни тараққий топан илғор демократик давлатлар қаторидан жой олиш ва жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиш, шунингдек, кўппартиявийлик тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, партиялар-аро рақобат муҳитини шакллантириш каби муҳим вази-фа-

ларга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Шунинг учун мамлакатимизда сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари энг аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилди.

Кейинчалик «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»-ги, «Сиёсий партиялар тўғрисида»-ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»-ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»-ги, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»-ги қонунлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловларда муносиб иштирок этишлари, таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Президентлигида, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ, демократик талаб ва андозаларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди.

Кўпчиликка маълум, демократик аъёналарга таянган мамлакатларда сиёсий партиялар ижтимоий фикри, халқнинг сиёсий иродасини шакллантирувчи ва ифода этувчи институт ҳисобланади. Ҳеч мунобағасиз айтиш мумкинки, республикамиздаги сиёсий партиялар ҳам бугунга келиб сайловларда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминловчи асосий куч сифатида майдонга чиқмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларни сиёсий партияларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

«Демократия
атамасининг
қандай
шарҳланиши
эмас, балки
унинг қанчалик
реаллиги,
ҳақиқийлиги,
яшашга
қобиллиги
муҳимдир».

Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, парламент ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга. Шунинг ўзи ҳам мамлакатимизда давлат ва жамиятни демократлаштириш жараёнларида сиёсий партияларнинг ўрни ўта муҳимлигидан далолат беради.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида республикамиздаги мавжуд тўртта

сиёсий партия ҳам ўз номзодлари билан фаол иштирок этмоқда. Бу Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими шаклланди, деб айтишга асос бўлади.

Шу ўринда нима учун ҳар бир мамлакат давлат ҳокимияти органларига бўлиб ўтадиган сайловларни демократик тамойилларга ва халқаро стандартларга тўлиқ мувофиқ ҳолда ўтказишга жиддий эътибор қаратади, деган савол туғилиши мумкин. Ушбу саволнинг жавоби демократиянинг чинакам моҳиятини англашга бориб тақалади, деб ўйлаймиз.

Албатта, демократиянинг қўллаб-қувватлаш шакллари, турли-туман ижтимоий қўрилишлари хусусида гапириш мумкин. Бироқ унинг тўб моҳияти шунданки, демократия бу — халқнинг, яъни кўпчиликнинг ҳокимияти демократия. Зеро, инсон ҳуқуқлари ва эркинлик-лари фақат демократия зами-нида рўйбга чиқиши мумкин.

Демократия фақат сайловлар ёки сиёсий партиялар фаолияти билан чегараланмайди. Шу маънода демократия ҳар бир шахснинг ўз сиёсий иродасини давлат ҳокимиятини шакллантиришда, давлат бош-лигини сайлашда, давлат ту-зумига ўз муносабатини эркин ифода эта олиш имкониятида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам сайловларни демократик тамойиллар асосида ўтказиш тақозо этилади. Яъни давлат ҳокимияти фуқаролар, халқ хо-ҳиш-иродасига кўра шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси-нинг Биринчи Президенти

4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ КУНИ

■ «Кучли ижтимоий ҳимоя учун курашамиз!»



ХАТАМЖОН КЕТМОНОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!



КЕКСАЛАРИМИЗ УЧУН МУНОСИБ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ!

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«АГРОБАНК»ГА ИШОНЧИМИЗ ОРТМОҚДА

Бу — фарғоналик мижозлар фикри



AGROBANK



Хизматлар лицензияланган.

«Агробанк» АТБ Фарғона вилоят бошқармаси томонидан 2016 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, халқ ҳўжалигининг турли тармоқларини янада ривожлантиришга жами 635 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

«Агробанк»нинг ушбу Сармоялари асосан ишлаб чиқаришни оилавий тadbirkorликни янада ривожлантиришга, янги иш ўринлари очилишига, касб-хўналар коллежи битирувчилари ўз ишларини бошлашига, бир сўз билан айтганда, аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилаётгани билан эътиборга сазовордир.

Садинисо
МАМАТОЖИЕВА,
якка тартибдаги
тадбиркор:

— Мен «Агробанк»нинг Олтиариқ филиали мижозиман. Ҳар қандай тadbirkorлик фаолияти негизига банк сармоялари ётади.

Ширинликлар ишлаб чиқариш мақсадида бизнес-режа тайёрлаб, молия

муассасасига тақдим этдим. Шунга кўра, 50 миллион сўм миқдорида кредит олдим. Ушбу сармоя ўз ишимни йўлга қўйишимга асос бўлди.

Бугунги кунда 3 кишини иш билан таъминладим, яна қўшимча иш ўринлари яратишни режалаштирмакдаман.

Бурҳон НАЗАРОВ,
«Беназир» хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмаси раҳбари:

— «Агробанк» Қўқон филиали билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганимизга 16 йил бўлди. Ўтган давр ичида банк мижозлари

қатори «Агробанк»га бўлган ишончим ортди. Мустақамланди.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида бизнес-режа билан банкка мурожаат этдик. Бизга ажратилган 390 миллион сўм сармоя ҳисобидан нон ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар сотиб олдик.

Келажакда маҳсулот турларини янада кўпайтириш мақсадида бир қатор лойиҳалар устида изланиш олиб бораёмиз. Бундай эзгу ишларимизда, биз албатта «Агробанк» ёрдамига таянамиз.

Бугунги одамлар, кечги одамлар эмас. Уларнинг дунёқараши, тушунчаси кенг. Ушбу ҳақиқатни чуқур англаб етган «Агробанк» мутасаддилари мижозларга замонавий банк хизматлари кўрсатиш, иш фаолиятини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш устида изланишлар олиб бормоқда. Бу — мижозларнинг «Агробанк»га бўлган ишончини тобора орттиришга хизмат қилмоқда.

Банк матбуот хизмати.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



ГАРАНТИЯ 1 ГОД

- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвалный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 269-15-97, (+99871) 262-34-72. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: est2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159
9867
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20:30
Topshirilgan vaqti — 22:15

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Erkin XOLBOBOYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 6